



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 13 октябрь, шанба №160 (1174)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамасининг ходимлари, матбуот вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Уткир Султонов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Макроиқтисодий ва статистика вазирини Рустам Азимовнинг маърузасида республикада амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодийнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, янги ички маҳсулотнинг 104,5 фоиз микдорини ўсиши, саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг 7,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришнинг 6,2 фоизга, чакана савдо товар айланмасининг 8,7 фоизга, аҳолига пулли хизматлар кўрсатишнинг 14,2 фоизга, ташқи савдо айланмасининг 6,6 фоизга ва экспортнинг 5,6 фоизга кўпайиши имконини берганини таъкидланди. Инфляция даражаси пасайди, тижорат банкларининг жами активлари ва сармоялари, аҳолининг омонатлардаги жамғармалари кўпайди, зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони кичирди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари жаддалашди, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш фаоллашди.

Шу билан бирга, мажлисда кўйилган инвестициялар имкониятларидан, шу жумладан, ташкил қилинаётган қўшма корхоналардан етарли самарали фойдаланилмаётганлиги қайд этилди. Бир қанча корхоналар ва тармоқларда мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги қайд этилди. Бир қанча корхоналарда маҳсулотнинг ташқи бозорларга кириб бориши бўйича аниқ мақсадга қаратилган сиёсат мавжуд эмас. Рақобат муҳити суст шакллантирилмоқда, монопол тармоқларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши кўп чикимли ва самарасиздир.

«Кўмир» акциядорлик жамияти, «Ўзмасаноат»,

«Ёғмоётамаксаноат» уюшмалари, «Ўзметабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси раҳбарларининг эътибори жорий йил охиригача маҳсулот экспорт қилиш прогноз параметрларини бажариш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди. Жорий йилнинг 9 ойи яқунларига кўра «Ўзагрошсервис», «Озқроқтасаноат» уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзқимёсанот», «Ўзқўшмакорхона» компаниялари ва «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг ўз тасарруфидан қорхоналар акцияларининг бўш ресурсларини сотиб олиш учун инвесторларни, шу жумладан хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича, шунингдек «Ўзпарндасаноат», «Ўзбектрансурилиш» уюшмаларининг акциялар давлат пакедларини ишончли бошқариш ва корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўлбўшатилган бўйича тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш ишларининг етарли эмаслиги қайд этилди.

Хукумат мажлисида шунингдек 2001-2002 йил куз-қиш даврига тайёрликнинг аҳоли ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Бош вазир ўринбосари В.Отаев, Наманган (Т.Жабборов), Фаргона (А.Отабоев), Тошкент (У.Мирзақулов) вилоятлари ҳокимларининг, «Ўзқоммуниязмат» агентлиги бош директори У.Олмухамедов, Халқ таълими вазири Р.Жўраев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назировнинг ахборотлари тинчланди. Мажлисда кўпгина корхона ва ташкилотларда захира ёқилги жамғариш борасидаги қўлоқликни шу йилнинг 1 ноябридан кечикмай бартараф этиш зарурлиги қайд этилди. Наманган, Андижон, Қашқадарь, Жиззах, Фаргона ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликларига иситиш тармоқларини, Самарқанд, Андижон, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри

ҳокимликларига уй-жой фондиди таъмирлашни жаддалаштириш юқланди. «Ўзбекнефтгаз» компанияси, «Ўзбекэнерго», «Ўзқимёсанот» давлат-акциядорлик компаниялари, «Ўзқоммуниязмат» агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг объектларни қиш шароитларида ишлашга тайёрлаш бўйича ишлари етарли эмас деб эътироф этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг раҳбарларининг эътибори буғқозонлар, иситиш, электр тармоқлари, бинолар ва иншоотлар, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларини тўлиқ ва жорий таъмирлашни шу йил 1 ноябргача сўзсиз тугаллаш зарурлигига қаратилди. «Ўзбекнефтогаз» давлат-акциядорлик компанияси ва «Кўмир» акциядорлик жамиятига Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муассасаларига тасдиқланган жадвалларга мувофиқ тегишли сифатдаги кўмир етказиб беришни тугаллаш юқланди.

2002 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини тугаллаш масаласи бўйича Бош вазир ўринбосари Т.Холтоев, «Ўзагрошсервис» уюшмаси раиси Ш.Нисонов, Сирдарё (А.Исроилов), Жиззах (У.Яманқулов), Бухоро (С.Хусенов) вилоятлари ҳокимлари сўзга чиқдилар.

Республика халқ хўжалигидаги кузги-қишки агротехника тадбирларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 17 сентабрдаги Фармойишига, бошқа ҳукумат қарорларига мувофиқ амалга ошириллаётгани қайд этилди. Шу йилнинг 11 октябрга-ча 3094,6 минг тонна пахта тайёрланган. Бу ўтган йилнинг шу санасидан нисбатан 565,6 минг тонна кўндр. Андижон вилояти, 144 тумандан 28 таси ва 1592 хўжаликдан 511 таси, 26,4 минг фермер хўжалигидан 8 мингдан кўпроги пахта териш ва тайёрлаш топширигини ошириб бажаришда ва белгиланган микдордан ортиқча ҳомашё сотишни давом эттиришмоқда.

Хукумат қарорига мувофиқ

2002 йил бошқоқли дон ҳосили учун 1241 минг гектар, шу жумладан сугориладиган ерларда 1059 минг гектар (85,3 фоиз) майдон ажратилган. Жорий йилнинг 11 октябргача сугориладиган ерларда дон экиш учун 767,2 минг гектар майдон тайёр қилинган. Бу ўтган йилнинг шу санасидан 196,9 минг гектар кўндир. 687,3 минг гектарга, яъни ўтган йилги кўрсаткичдан қарийб 1,5 баравар кўп майдонга дон экилган.

2002 йил ҳосили учун 1400 минг гектар ер шудгорланиши керак. Шудгорлашда ҳар кун 800-1000 та агрегат ишляпти. Кунлик иш суръати 5,8-6,5 минг гектарни ташкил қилмоқда. Ҳозирдаёқ дон экинларидан бўшаган 79,1 фоиз (950,2 минг гектар) майдон шудгорланди.

Жиззах (У.Яманқулов), Сирдарё (А.Исроилов) ва Тошкент (У.Мирзақулов) вилоятлари ҳокимликларининг эътибори кузги дон экишни ўтказишнинг агротехника ва технология талабларига эътибори қилишга доир кўриллаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслигига, шунингдек Бухоро (С.Хусенов), Навоий (Ғ.Дивлов), Наманган (Т.Жабборов) вилоятлари ҳокимликларининг ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (А.Тожиёв)нинг, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзагрошсервис» уюшмаси ҳудудий органларининг эътибори шудгорлаш ва бошқа кузги-қишки тадбирларни ўтказиш учун техникани қисқа муддатларда таъмирлашни ташкил этиш зарурлигига қаратилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё, Фаргона вилоятларининг шудгорлашда орқада қолаётганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» ва «Ўзагрошсервис» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясига мавжуд ресурслар ва имкониятларни пахта теримини, шולי ўриш-йиғишни тугаллашни жаддалаштиришга сафарбар этиш ва 2002 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларини илгари қабул қилинган Хукумат қарорларига мувофиқ ўтказиш юқланди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. (ЎЗА).



Арносой туманида «Она ва бола» Давлат дастурини муваффақиятли амалга ошириш юзасидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида бу ерда шифо масканлари сони кўпайди, уларга энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди. Ҳозирда туман марказий касалхонаси фаолиятдан кўпчилик қониқчи ҳосил қилмоқда.

Суратларда: шошилинч тез ёрдам бўлими ҳамшираси Мехринисо Ҳамраева (ўнгда); касалхонанинг турғуқона бўлими шифокори Элмира Жалилова эгизаклар билан.

Б.НОРКУЛОВ олган суратлар.

## ЎЗ ТИНЧЛИГИМИЗНИ ҲИМОЯ АСРАЙМИЗ

Афғонистонда рўй бераётган воқеалар муносабати билан Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ўқитувчи ва талабалар давлатимизнинг тинчлик ва осойишталикни сақлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш борасидаги халқларвар сиёсатини қўллаб-қувватлашларини билдирди. Ҳуртбошимиз Ислам Каримовнинг шу йил 5 октябрдаги Баёноти ва ЎЗА муҳбири саволларига берган жавобларида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган вазифалар хусусида сўз юритилди. Халқаро терроризм бутун дунёга таҳдид солиб турган иллатдир. Шундай экан, бу ёвуз иллатга қарши жаҳон халқлари муштарак бўлиб курашиши, уни тағ-томори билан бутунлай кўпориб ташлаш лозим.

Йиғилиш қатнашчилари барчани, айниқса, ёшларни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиб, ўз билим ва салоҳиятлари билан мамлакатимиз раванкига, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўлишига чақирди.

А.ОРТИҚБОВ, ЎЗА муҳбири.

## 2001 йил — Оналар ва болалар йили

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясига бирлашган касаб уюшмаларининг Ҳаракат Дастурида аёлларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиб бериш, ижтимоий ҳимоялаш, хизмат турларидан баҳраманд бўлиши, билим олиш ва болалар тарбияси билан шугулланишларига алоҳида эътибор бериш лозимлиги қайд этилган.

## «ИШОНЧ-2001» ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МАРКАЗИДА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола» Давлат дастури Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида изчиллик билан амалга оширилмоқда. Туманда истиқомат қилаётган 127 мингдан ортиқ аҳолининг 48046 нафари 14 ёшгача бўлган болалар, 29686 нафари туғиш ёшидаги аёллар эканлигини назарга олсак, масала анча раванлашади.

— Оналар ва болалар соғлигини сақлаш биринчи даражада вазифамизга айланган, дейди туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шоёва. - Вилоят ва туман ҳокимликларининг амалий ёрдами билан 2001 йилнинг апрел ойида туғиш ёшидаги хотин-қизлар мутоахассислари иштирокида тиббий кўриқдан тўлиқ ўтказилди ва уларнинг аниқланган касалликларини даволаш чоралари қўрилди.

Туман марказий шифохонаси бош ҳақими А.Остоновнинг таъкидлашича, ҳозирга қадар аёллардан 142 нафари вилоят клиник шифохонасининг гематология бўлимида, 39 нафари вилоят эндиринология диспансерида даволаниб чиқдилар.

Айни пайтда туманда марказий шифохонада 50 ўринли турғуқона қача даволаш, 35 ўринли ҳомиладор хасталар, 55 кишига мўлжалланган турғуқона кейинги реабилитация бўлими, 30 ўринли турғуқона ва бошқа тиббий муассасалар ишлаб турибди.

15 нафар қизга миллий қадриятларимиз анъанаси бўлган каштачилик сирларини ўргатапти. Барча қорхона ва ташкилотлар, ширкат хўжаликлари, ўрта махсус ўқув муассасалари, мактаблар ва болалар боғчаларида ҳам «Она ва бола» Давлат дастури бўйича анчагина яхши ишлар олиб бориляпти. Уларда қариндош-уруғчилик ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, баалоғатга етган қизларни турмушга тайёрлаш, қайнона-келин муносабатлари, хотин-қизлар ҳуқуқий саводини ошириш вазифалари асосий ўринни эгалламоқда.

Туманда хотин-қизлар ўртасида ишчилликни камайтириш борасида ҳам анча-мунча яхши натижаларга эришилмоқда. Биргина мисол. Султон Жўра номидаги Фуқаролар йиғини ҳудудидаяқинда қишлоқ хўжалик коллежининг фойдаланишга топширилиши 43 нафар аёлни иш билан таъминлаш имкониятини берди.

Иқтидорли ёшларга алоҳида ёрдам кўрсатишмоқда. Оқибатда 4-гимназия мактабининг XI синф ўқувчиси Навбахор Раҳмонова Зулфия номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Мактаб ёшидаги болаларга чет тилларни ва компьютер саводхонлигини ўргатиш учун эса болалар боғчаларида инглиз тили машғулотлари ўтказилмоқда.

Яқинда туманининг Искоғар қишлоқ фуқаролар йиғинида аёллар учун «Ишонч-2001» ижтимоий ҳимоя маркази ташкил этилди. Бу ерда хориждан келтирилган 10 та тикув машинаси ўрнатилиб, хотин-қизлардан 10 нафари иш билан таъминланди. 20 га яқин аёл зардўзлик касби билан шугулланмоқда.

Болалар ва оналарга гамхўрлик кўрсатиш туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, касаб уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг доимий эътиборида бўлмоқда. Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

## Сўнги хабарлар оқимидан

### ОҚ УЙДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ




АҚШ президенти Жорж Буш Оқ уйда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот анжумани ўтказди. Унда Афғонистондаги антитеррор операцияси хусусида гап борди. Анжуманда президент Афғонистондаги ҳаракатлар муваффақиятли ва аввал режалаштирилганидек кетаётганини таъкидлади. «Террористлар бўйнидаги сиртмоқ янада қаттиқроқ тортиляпти» деди у. «Агар толиблар Усама бин Ладинни топ

ширишга қарор қилишса, - дея таъкидлади Жорж Буш. — АҚШ Афғонистонга нисбатан сиёсатини ўзгартириши мумкин». Матбуот анжуманида Ироқ масаласига алоҳида тўхтаб ўтилди. Президентнинг айтишича, Ироқ халқаро ҳарбий экспертиларни ўз ҳудудига қўйиш хусусида жиддий ўйлаб кўриши керак.

### АЭРОПОРТДА ХИБСГА ОЛИНДИ

Кувайтда толиблар тарафида туриб урушишга аҳд қилган 50 нафар кўнгилли ушланди. Улар Ал-Кувайт шаҳри аэропортидан Покистонга учаётган пайтда хибсга олинди. «Новости» ахборот



маҳкамаси «Ал-Кабас» газетаси маълумотларига таяниб, шу ҳақда хабар қилди. Айни кунда хибсга олинганларнинг Усама бин Ладиннинг яқин сафдоши бўлиши Сулаймон Абу Гайт билан алоқадор ёки алоқадор эмасликлари текшириляпти. Кувайт ҳукуматининг қарори билан Абу Гайт мамлакат фуқаролигидан маҳрум қилинган ва жиноятчи деб эълон этилган. Таъкидлаш жоизки, бир пайтлар Абу Гайт «АҚШни самолётлар ёмғири остида қолдираман» дея нўписа қилган эди.

### ИСТЕҒФО ҚАБУЛ ҚИЛИНМАДИ

4 октябр кунини Қора денгизга кулаб тушган Ту-154 самолётига Украинанинг С-200 ракетаеси билан зарба берилган. Авиаҳолат қат сабабларини ўрганиб чиққан комиссиянинг илк хулосаси шундай бўлди. Сочи шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида Украина миллий хавфсизлик ва мудофаа Кенгаши котиби Евгений Марчук шу ҳақда маълум қилди. Воқеа муносабати билан мамлакат мудофаа вазири Александр Кузьмунинг истеғфога чи-



қилини парламентнинг бир неча фракциялари талаб қилишиди. Бирок Украина Президенти Леонид Кучма вазирнинг истеғфосини қабул қилмади.

### МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎХТАТИЛДИ...

Оқ уйдан тарқатилган хабарларга қараганда, Усама бин Ладин ва унга тегишли ташкилотларнинг бутун дунё бўйлаб тарқалган 24 миллион долларлик ҳисоб рақамлари музлатилган. АҚШ Конгресси террорчи гурӯҳ деб гумон қилинган барча ташкилотларга қарашли маблағлар ҳаракатини тўхтатиш тўғрисидаги қарорни ҳам маъқуллади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

# АВВАЛ ВАТАН, Кейин - ЖОН!



**Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ чақирув ёшидаги фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш эълон қилинди. Мазкур қарорга кўра кузги чақирик октябр-ноябр ойларида ўтказилади. Шу муносабат билан Фарғона вилоятида намунали ҳисобланган Риштон тумани мудофаа ишлари бўлимининг бошлиғи вазифасини бажарувчи майор Миродил Суяров муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.**

**Биз тинчлик ва осойишталикни, озодлик ва адолатни юксак қадрлайдиган, тарихнинг барча оғир синовларидан мардона ўтиб, ҳамиша мағрур яшашга ўрганган халқмиз. Биз — Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлигимиз. Ватанимизни кўз қорачигидай асраб, элимиз, юртимиз шаънини, орномусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз.**

Ислон КАРИМОВ.

## МАҒРУР ЯШАШГА ЎРГАНГАН ХАЛҚМИЗ

— Туманимизда ҳар йилгидек кузги чақирик уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ҳозир Ватанимизнинг турли ҳудудларида риштонлик ўнлаб ўғлонлар ўз йигитлик бурчини сидқидилдан ўтаб келаётир. Шу куларда чақириллаётган ёшлар ҳам мард акалари изидан бориб, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлишни ўзлари учун фахр-ифтихор, деб биладилар.

Кувонарли жойи шундаки, туманимиздан чақирилган ёшларнинг ҳарбий қисмлардаги хизматлари юзасидан фақат ташаккур хатлари олиб турибмиз.

Республикамиз Президентини, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислон Каримов Ўзбекистон аскарлари ҳар томонлама етук, жисмонан бакуват бўлишлари лозимлигини ҳамиша ўқитиб келади.

Шунга амал қилган ҳолда туманимиз мактаблари, ўрта билим юртиларида йигитлар чақирик ёшига етмасдан бир неча йил аввалоқ тайёргарлик ишлари бошланади. Мазкур ишнинг савиясини ошириш мақсадида ушбу раҳбарияти кўрсатаётган катта эътибор ҳақида алоҳида айтиб ўтмоқ зарур. Биргина мисол: туман ҳокими Аҳмаджон Миромедов вақти-вақти билан бизнинг бўлимига келиб, чақирув комиссияларининг иши билан яқин қараганда, ўғли Шерзод шу йили десантчи офицер бўлишни оруз қилиб, ҳарбий билим юртига ҳужжат топширган экан. Барча имтиҳонлардан ўтибдию би-роқ бали етмай қолибди...

— Ўғлимни десантчилар қисмига юборишингизни илтимос қиламан, — деди Аҳмаджон ака, — муддатли хизмат давомида аскарликнинг тузини тотиб, кейин ўқишга кириб кетса ажаб эмас.

Мустақил республикамиз Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг ўн йиллик байрами яқинлашиб келмоқда. Бизнинг йигитлар бу қутлуг сана-ни сиёсий ва ҳарбий тайёргарликда аъло натижалар билан кутиб олишларига асло шубҳа йўқ. Ишонч билан таъкидлайман: риштонликлар ҳеч қачон уялтириб қўймайдилар.

дан танишади, имкон даражасида ёрдам беради.

Чақирилувчиларнинг ота-оналари ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтиш лозим. Сир эмаски, авваллари оз бўлсада ҳар хил баҳоналар билан ўғилларини ҳарбий хизматдан олиб қолишга уринган ота-оналар учраб турарди. Энди эса бу масалага муносабат тамоман бошқача.

Биргина мисол: яқинда хузуримига бўлгуси аскар отаси Аҳмаджон Қодиров кириб келди. Айтишига

### Кузги чақирик - 2001

ўқув даргоҳларини катта тажрибага эга бўлган бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчилари билан мустаҳкамлашга, уларнинг самарали ишлари учун барча шароитларни яратиб беришга алоҳида аҳамият қаратаётимиз.

Ҳарбий хизматга отланаётган ёшлар кундалик сиёсат билан яхши таниш, фикр доираси кенг, юқорида айтиб ўтганим каби жисмоний жиҳатдан бакуват бўлишлари лозим. Бу борада туманимиз

Мустақил республикамиз Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг ўн йиллик байрами яқинлашиб келмоқда. Бизнинг йигитлар бу қутлуг сана-ни сиёсий ва ҳарбий тайёргарликда аъло натижалар билан кутиб олишларига асло шубҳа йўқ. Ишонч билан таъкидлайман: риштонликлар ҳеч қачон уялтириб қўймайдилар.

### ФАҚАТ ОЛГА БОС!

**Бир, икки, бир-икки, фақат олга бос!**  
Азалдан бу удулм ўзбекларга хос.  
Сен — буюк истиқлол ҳимоячиси,  
Олга бос, эй аскар, доим олга бос!

**Бир, икки, бир, икки, шаҳдам қадам бос,**  
Она юрт шаънини айлағил эъзоз.  
Жаҳонга юз тутди ҳур Ўзбекистон,  
Янграсин доимо зафарли овоз.

**Бир, икки, бир, икки, бу — жўшқин овоз.**  
Юрт ўғли юрт учун қалқон — қандай соз!  
Ҳар битта босилган мардона қадам  
Ватан равақига нурли поёндоз.

**Эй аскар, ҳушёр бўл, қора кучлар бор,**  
Сенга, Ватанингда душман у гадрор.  
Бобом Амир Темур қўлласин дея,  
Ҳамиша оғоҳ бўл, ҳамиша ҳушёр.  
Истиқлол қалқони, фақат олга бос!

Х.Тўлашев,  
заҳирадаги оддий аскар.



Муҳиддин Мубораков «Ватанпарвар» ташкилотидан ўқиб юрган кезлари БТР ҳайдовчиси касбини эгаллаб олган эди. Оддий аскарга бу нарса муддатли ҳарбий хизматда жуда қўл келмоқда.  
Н.ЮСУПОВ олган сурат.

### Ижтимоий-сиёсий ахборот хонасида

**Куролли Кучларимизнинг кўпгина тизимларида ижтимоий-сиёсий ахборот хоналари самарали фаолият юритаётир. Улар аскарларнинг сиёсий билимларини ошириш, кундалик машқлардан сўнг кўнгилли хордиқ чиқариш масканига айланган. Бу ерда керакли адабиётлар, газет ва журналларнинг янги сонлари билан мунтазам танишиб борилади. Айниқса, дунё воқеалари хусусидаги суҳбатлар, сиёсий шарҳловчилар чиқишларининг Ватан ҳимоячиларига нафи катта бўлмоқда.**

### АСКАРЛАР СЕВГАН МАСКАН

Лейтенант Ш.Мамажонов командирлик қилаётган бўлинма ижтимоий-сиёсий ахборот хонасида миз. Кимдир китоб мутула қилаяпти, баъзилар эса уйларига мактуб ёзиш билан банд. Бўлинма командирининг таъкидлашича, яқинда бир гуруҳ сиёсий шарҳловчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Баёноти мазмун-моҳиятини, аскарларимиз олдида турган долзарм вазифаларни атрофлича баён этдилар. Аскарлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олдилар.

— Бу хона йигитларимизни ўзаро жиғлаштиришда, уларнинг ҳамқору ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этмоқда, — дея фикрини ифодалайди

публикамизнинг деярли ҳамма вилоятларидан вакиллар бор. Уларнинг барчасини бир мақсад, муқаддас бурч биллаштирган: у ҳам бўлса, Ватан сарҳадларини кўз қорачигидек асраш, она юрт фарзанди деган шарафли номга муносиб бўлиш.

Биз бу ерда бўлган кун бўлинма аскарлари хузурига қисмининг энг яхши вакиллари — ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочилари бўлмиш кичик сержант А.Иброҳимов, оддий аскарлар З.Жумабоев, М.Тожибоев ва бошқалар ташриф буоришди. Улар ёш аскарлар хузурида иродани мустаҳкамлаш, ҳарбий техника сирларини кунт билан эгаллаш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

— Республикаимиз Куролли Кучлари ташкил тоналлигининг 10 йиллиги яқинлашиб келмоқда, — дея таъкидлади сержант С.Турсунов. — Уни кўнгилдагидек кутиб олиш ҳар бир жангчи катта масъулият юклайди. Энг муҳими ҳарбий интизом, итилувчанлик, бурч масъулиятини чуқур ҳис қилишда қолган.

С.КОДИРОВ,  
заҳирадаги капитан.

### ОҒОҲУ ҲУШЁРМИЗ!

Оддий дехқон фарзандиман. Ҳарбий хизматга Хатирчи туманидан чақиртирилганман. Муддатли хизматнинг ярмини ўтаб қўйдим. Бу ерда «Ватан ҳимоячиси» деган сўзнинг салмоғини, масъулиятини чин қалбдан ҳис қилдим. Армия катта ҳаёт, чинқиш мактаби. Дастлабки кезлар машқларда иштирок этарканман, жисмонан заиф эканлигимни ҳис қилдим. Қолаверса, ўзимни идора қила билиш суҳт эди. Метин иродали, вужудидан куч ёғилдиган аскарларга ҳавасим келарди. Улардек бўлиш учун тинимсиз машқ қилиш лозимлигини сезардим. Вақт ўтиши билан ўзимга бўлган ишонч мустаҳкамланди. Ҳарбий техника сирларини пухта эгаллаб, командирлар олқашига сазовор бўлдим. Соғлигим, иродам мустаҳкамланди, дунёқарашим ўзгарди.

Севимли шоиримизнинг «Ҳеч кимга бермаймиш сени, Ўзбекистон!» деган оташин сўзи биз — аскарларнинг шюрига айланган. Афғонистонда вазиятнинг нотин бўлиб туриши биз — аскарларни янада ҳушёр бўлишга ундамоқда. Сафдошларимнинг фикри яқин: биз ҳар он оғоҳу ҳушёримиз. Ватан сарҳадларини қўриқлаш ишончи қўлларда!

С.КАРИМОВ,  
оддий аскар.

### ЮРТ ҲИМОЯЧИЛАРИ КАМОЛ ТОПМОҚДА

Чирчиқ шаҳрида гуруҳ командирини, катта лейтенант Сергей Нечипуренко хотирасига бағишлаб ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон биринчилиги низо-ясига етди.

Ун бир жамоа куч синашган ушбу мусобақаларда жамоа ҳисобида Наманган вилояти биринчи, Самарқанд вилояти иккинчи, Фарғона вилояти учинчи ўринни эгаллади.

Эркаклар ўртасида тўрт минг метр масофага югуришда Тошкент вилоятдан В.Бондарчук, аёллар ўртасида икки минг метр масофага югуришда Наманганлик М.Қондақова биринчилиги қўлга киритди.

Нишонни мўлжалга олиш беллашувида эса В.Богданов ва М.Қондақовага омад кулиб бокди. Эстафета мусобақаларида кўрсатган натижаларига кўра Наманган, Самарқанд, Фарғона вилояти спортчилари юқори ўринларни эгаллашди.

— Мазкур мусобақада энг кучли, чاقқон ҳамда маҳоратли спортчилар галиб бўлди, — деди мусобақа ташкилий қўмитаси раиси, Тошкент вилояти «Ватанпарвар» ташкилоти кенгаши раиси Каримжон Ваҳобов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Зеро, асосий мақсад ёшларни бирлаштириш, уларнинг ўзаро фикрлашиш, дўстлашишига имконият яратишдир. Ўғил-қизларимиз соғлом муҳитда тарбия топиб, сўзда эмас, амалда бирлашсагина бугунги кунда аср вазосига айланган террорчиликнинг ҳар қандай хуружига қарши тура олади. Ватанини билади кучи, юрагида юрт иши бор инсонгина ҳимоя қилади.

Маълумки, Америка Қўшма Штатларида содир этилган худдиш террорчилик хуружидан сўнг дунёдаги вазият кескин ўзгармоқда.

К.Ваҳобовнинг таъкидлашича, бунга ёшларимиз ўз вақтида англаб етмоғи, ёвуз кучларга қарши кураш йўлида бирлаш-ётганлар сафига қўшилишга доим тайёр туришлари лозим. Ташкилотда спортчиларнинг сафини кенгайтириш ва маҳоратини ошириш орқали Ватан ҳимоячилари тарбияланади. Бу ишларни кенг қўламада ривож-лантириш учун шу йилнинг ўзида етти марта республика мусобақаси ўтказилди. Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида 58 та спорт мактаби очилди.



**Наманганлик Даврон Бердиев ёшлигиданоқ танкчи бўлишни оруз қиларди. Бир йил муқаддам Куролли Кучларимиз сафида муддатли хизматни бошлагач, унинг бу орзуси амалга ошди. Ҳозир Даврон танкчилар қисмининг тажрибали, моҳир мутахассисларидан бири. Унинг мақсад сари дадил интилиши, ҳарбий техника сирларини кунт билан эгаллаётганлиги дала машқларида аъло даражада бажаришида муҳим омил бўлаяпти.**  
К.Тўраев олган сурат.

### ТАНКЧИЛАР ИРОДАСИ

**Куз осмонида қутилмаганда қора булутлар пайдо бўлди. Кўп ўтмай ёмғир томчилай бошлади. Аммо аскарларга ҳар қандай об-ҳаво пиланд эмас. Режалаштирилган ҳарбий машқлар белгиланган вақтда ўтказилиши керак.**

— Машиналарга ўтирилсин!

Батальон командири Отабек Рауповнинг буйруғи янгради. Зум ўтмай ўндан ортиқ танклар бирин-кетин ўрнидан жилди. Қудратли моторларнинг овози ён-атрофни тутди. Танланган йўл анча машаққатли. Унқир-чўнқирлар, боз устига, кучли ёмғир остида мураккаб техникани бошқариш юксак маҳорат ва тажрибани талаб қилади. Қутилмаган мураккабликлар, тўсиқлар ҳам учраши табиий. Бунга яхши билган оддий аскар Руслан Обилов пўлат машинани адирлик томон бураркан, машина ичидаги асбобларга кўз қирини ташлайди. Ҳаммаси жойида. Энг қийин масофа босиб ўтилди. Русланин танки маррага биринчи бўлиб етиб келди.


Мазкур ҳарбий қисм икки йилдирки, дала ма-

қилишади. Мен улар билан фахрланаман, — дейди взводнинг катта техниги Асадулла Маҳкамов. — Ҳақиқий танкчи бўлиш осонмас. Ойлар мобайнида мураккаб машқларни ўташ, техника билан яқиндан ошно бўлиш, сиёсий билимни ошириш ҳисобига мақсадга эришилади.

Куз ҳавоси ўзгарувчан бўлади. Фарбдан эсган шамол само юзидаги бу-

лутларни тарқатиб юборди. Яна куёш чарақлаб кўринди. Дала машқлари эртага ҳам давом этади. Танкчилар янада мураккаб тўсиқларни босиб ўтадилар. Олдинда эса кузги имтиҳонлар. Артиллериячилар улардан муваффақиятли ўтишларига шубҳа йўқ.

**Я.КАРУКА, подполковник.**  
Суратда: взвод катта техниги А.Маҳкамов дала машқларида намуна кўрсатган аскарни кутламоқда.



### Қўмондонлик ташаккурномаси

**Тинчлик ва осойишталигимиз посбонларига кўтаринки руҳ бағишлади**

Майдонда навбатдаги ўқув машғулотлари давом этарди. Оддий аскар тўпчи Нодирбек Йўлдошев нишонни тўғри олиб, тепкини босди. Кўп ўтмай разведкачи посбон хабар берди: «Мўлжалдан 1 градус чапга адашдингиз». Нодирбек афсусланиб, бош чайқади. Лекин, кейинги ўқи нишонга бехато теги.

— Яхши, — деди командир ўнқўлининг бош бармоғини юқори кўтариб.

Ҳозирги замон ҳарбий техникасининг нечоғли мураккаб эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Мўлжал бурчакларини тўғри аниқлаш, барча параметрларнинг аниқ ҳисоб-китобини қилиш тўпчидан нафақат катта тажриба, шунингдек, муайян билимни ҳам талаб қилади. Оддий аскар Нодирбек Йўлдошевда бу нарсаларнинг бари бор. Тажрибани у шу ерда ўз устозларидан ўрганди, керакли билимга эса муддатли ҳарбий хизматга қақирилгунга қадар олий ўқув юртида эга бўлди.


Нодирбек асли Қашқадарёнинг Касби туманидан. Аскар бўлгунга қадар Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини тамомлади. Олий ўқув даргоҳида ўқиб-ўрганганлари бу ерда жуда қўл келди. Тез орада муқаммал техника сирларини мукаммал эгаллади. Гуруҳ командири лейтенант Дмитрий Козлов у ҳақда шундай дейди:

— Нодирбек қатъиятли, шижоатли йигит. Ҳар бир топшириққа масъулият билан ёндошади. Жамоамизда хурмат-эътиборга эга. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан қўмондонлик томонидан унга беҳиз ташаккурнома эълон қилинмади.

Нодирбек ўзи ва дўстлари ҳақида шундай дейди:

— Аскарликнинг деярли бир йили бизни ака-укалардек иноқ қилиб қўйди. Биз, энг аввало, темирдай мустаҳкам интизомга ўргандик. Яна бир нарса. Авваллари ватанпарварлик, фидойилик ҳақида кўп гапларни эшитардик. Лекин, бу тушунчаларнинг туб моҳиятини юракдан ўтказмаган эканмиз. Мана энди тўлиқ англаб етгандай бўляпмиз.

А.МАДУМАРОВ.



ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ ДУШАНБА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан Душанба, 15 октябр кунин «Ўзбекистон-1» телеканалда кўрсатувлари соат 15.00 да бошланади. 15.00 «Олтин тож».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

Профилактика муносабати билан Душанба, 15 октябр кунин «Ёшлар» телеканалда кўрсатувлари соат 16.00да бошланади. 16.05 «Давр» ҳафта ичидида.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан Душанба, 15 октябр кунин «Халқаро» телеканалда кўрсатувлари соат 15.00 да бошланади.

СЕШАНБА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар тартиби.

ЧОРШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Шоҳрух клуби».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар тартиби.

ПАЙШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.55 «Ўзбектелефилм» намойиши: «Баҳовуддин Нақшбанд».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар тартиби.

ШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар тартиби.

ЖУМА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар тартиби.

ЖУМА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

9.50 Телевизион миниатюра-лар театри.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар тартиби.

ЖУМА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ЯКШАНБА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

Туризм

Кадимий зиёратгоҳлар ва миллий ёдгорликларга бой бўлган Қашқадарё зами-нида чет элликларни мафтун этадиган масканлар кўп.

«Қашқадарёсайёҳ» ҳиссадорлик жамия-ти бошқаруви раиси Қўчқор Тўйчиев бил-лан суҳбатимиз ана шу хусусда бўлди.

Жамоамиз ҳисса-дорлари республика Президентининг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризми

вилоят ҳокимлиги томо-нидан туризми ривож-лантиришга қаратилган махсус қарор қабул қилиниб, тегишли дас-

ШАҲРИСАБЗНИНГ ОҲАНРАБОСИ БОР

ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ва Олий Маж-лиснинг XV сессиясида қабул қилинган «Туризм ҳақида»ги Қонун талаб-лари асосида иш олиб бормоқдалар.

Вилоятимиз ўзининг тарихий обидалари, гўзал гўшалари, сўлим боғ-роғлари, бетакрор табиати билан алоҳида ажралиб туради. «Оқ-сарой» қалъаси, «Чубин» мадрасаси, «Доруссаодат», «Доруттиловат» мажмуалари, «Кўкғум-баз» масжиди ва бошқа осори-атиқалар маҳал-лий ва хорижий сайёҳ-лар диққат-эътиборини оҳанрабодек ўзига тор-тиб келаётир.

Рақамларга назар таштайлик. 1996 йилда Шаҳрисабз шаҳрига 2,5 минг хорижий сайёҳ келган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 8600 нафарни ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган саккизи ойида 5000 нафардан зиёд чет эллик сайёҳ ташриф буюрди. Иил охирига қадар уларнинг сони 10 минг кишига етади.

Ўтган йили 49 минг сайёҳга хизмат кўрсатилган эди, шу йилнинг ўтган ойлари мобайни-да туризм хизмати кўрсатиш 25,5 миллион сўмлик ўрнига 46,9 мил-лион сўмлик бўлди ёки режа 185 фоизга бажа-рилди.

Икки йил муқаддам

тур ишлаб чиқилган эди. Унда ёшларимизни мам-лакатимиз тарихи билан таништиришга алоҳида эътибор берилган. Шу боис буюк алломалар Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳонид-дин Марғиноний, Абу Мансур ал-Мотурудий, Алишер Навоий, Жало-лиддин Мангуберди каби улуг зотларнинг зи-ёратгоҳлари жойлашган Бухоро, Хива, Урганч, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Навоий, Шаҳ-рисабз каби тарихий шаҳарларга сайёҳатлар уюштирилди.

Жорий йилда Қарши-Самарқанд-Фарғона йўналиши бўйлаб 480 ки-шилик саёҳат гуруҳлари ташкил этилди.

Шаҳрисабз - соҳиб-қирон Амир Темури меҳр кўйган гўша. Бу қадимий шаҳар ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиб, умуминсоний мулк экан-лиги эътироф этилгани-дан хабарингиз бор. Яқинда ЮНЕСКОнинг Урта Осиё бўйича ваки-ли Майкл Брайлден ша-ҳар рўйхатга олинганли-ги тўғрисидаги гувоҳно-мани топширди.

Эндликда Шаҳри-сабз Франциядаги Нотр-да ибодатхонаси ва Версал саройи, Италия-даги Венеция ва Фло-ренция шаҳарлари, Миср эҳромлари, Хинди-стондаги Тожмаҳал мак-бараси, АҚШдаги Озод-



Бойчечак

ОНА АЛЛАСИ

Бешик тебратеди она — Бахтиёр, Аллалар айтади берилиб, жўшиб: Болам, киндик қонинг тўқилган диёр, Фахрлан, Келгандир жаннатдан кўчиб.

Ҳизр назар қилган, У суққан бир чўп Шу асно кўкариб, мева тукқандир. Билки, бизга ҳавас қилувчилар кўп, Ҳизрдан бизга ҳам пича оққандир.

Бешик тебратеди она бахтиёр... Башорт ОТАХОНОВА.

Биласизми?

ОТ ТЕЗЛИГИГА ТЕНГ

Курканинг қандай тез-лик билан югуришини биласизми? У от билан баробар, гоҳида эса ун-дан ҳам тез югураркан.

СИГИРЛАР ТИШ ШИФОКОРИ ҲУЗУРИДА

Канадада фақат одам-ларгина эмас, балки си-гирлар ҳам стоматолог-лар куригидан ўтиб ту-рар экан. Гап шундаки, Канада ветеринарлари си-гир тишларига қараб сутнинг тарихи ва си-фатини аниқлайдилар.

КУЯНИНГ КУШАНДАСИ НИМА?

... Сир эмас, кўпинча жун кийимларимизни куя еб, яроқсиз холга келтириб қўяди. Куя қанча жун ейиши мум-кинлигини биласизми? Бир йилда ушбу ҳаша-ротнинг бир оиласи 12 та кўйдан олинган жун-ни бемалол ейиши мум-кин экан. Куяни йўқ қилишнинг энг яхши йўли жуда оддий ва қулай: ёнғоқ барги бил-ан чўл яллизи япроқ-ларини кийимлар ора-сига солиб қўйишдир.

Муҳаббат ДАВРОН тайёрлади.

ҲАЙРАТ

Меер хоним русчадан фақат уч сўз билар эди: «яхши», «бепул» ва «рахмат». У операциядан туриб, доцент Гусев-нинг олдига кирганида шу уч сўзни уч мартача тақрорлади.

— Раҳмат, яхши, бепул... Аслида воқеа Самарқандда бўлиб ўтган эди. Америкалик сайёҳлардан 75 яшар Меер хонимнинг эски касали шу ерга келганда бирдан хуруж қилиб қолди. Уни фақат шошилиш операция қутқариши мумкин эди.

Узоқдан келган меҳмон жарроҳ Гусев клиникасида икки ҳафтада тузалиб чиқди. У омон қолганидан ҳам кўра, шун-дай оғир операциянинг бепул ўтказилганидан ҳайратда эди. — Бепул, раҳмат, яхши!

Бу ажиб дунё

Шифобахш неъмат

АСАЛ — МИНГ ДАРДГА ДАВО

Асал табиатнинг инсониятга буюк эҳсонидир. Унинг шифобахшлик ху-сусиятлари азалдан маълум бўлган. Тиббиёт илмининг донишманди Абу Али ибн Сино асалнинг шифобахш ху-сусиятларини чуқур ўрганиб, шун-дай хулосага келган: асал мижози тозалайди, томир йўлини раvon қи-лади, хўллик ва газакни шимилтиру-чи қуввати бор. У ҳатто баданнинг чуқур ерларидан ҳам газакни ва хўлликни тортади, гўшти сасишдан ва бузилишдан асрайди, чиркли яра-ларни тозалайди, кўз хиралигини кеткази.

Асални танглай билан эзиб сўриш ва фар-ғара қилиш бугмадан халос этади, бодомча без-ларнинг озорланишига қаршилик қилади. Асал суви иштаҳани очиб, ҳазми яхшилайди, меъдани кучай-тиради. Асал истеъмол қилиш қари-ликнинг олдини олади. Шунинг учун ҳам ёши 45 дан ошган кишилар асал истеъмол қилишлари керак.

Асал замонавий тиббиётда ҳам шифобахш неъмат ҳисобланади ва беморларни даволашда ишончли восита сифатида қўлланилади.

Асални чой балғам кўчиришда, ўпканинг шамоллашида тавсия эти-лади. Шунингдек, асал тинка кури-ши, камқонлик, дармонсизлик, сил касалликларида даво ҳисобланади.

Айниқса, сархил сабзи шарбати ва сут билан қўлланилганда, асалнинг шифобахшлиги ортади. Бундан ташқари, ўн икки бармоқли ичак ва ошқозон-ичак фаолиятини яхши-лашда асалдан фойдаланилади.

Юрак касалликларида асални оз-

тадан тез-тез истеъмол қилиш тав-сия этилади. Буйрак хасталигида ҳам асал наъматакли димлама ёки турп шарбати билан биргаликда қўлланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-ки, ҳар қандай асал ҳам шифобахш-лик хусусиятига эга бўлавермайди. Бунинг учун меъёрида пишиб этил-ган тоза асал бўлиши керак.

Тоза асал қотмаган ҳолда кўз ёши-дек тиник, ўзига хос рангда (ран-нинг қай тусда бўлиши асалнинг қай-си ўсимликдан олинганига ҳам бог-лиқ), таъмида ўзига хос хидга эга бўлади. Бундай асал маълум вақт ўтиши билан бир текисда қотади.

Ҳар қилн оз-оздан асал истеъ-мол қилган киши соғлом, бақувват, кўркам бўлади.

Қилмиш-қидирмиш

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация-лар Агентлиги ва «Ўзбекистон почтаси» ак-циядорлик компанияси ходимлари пул маблағлари ва почта жўнатмалари муҳо-фазаси юзасидан кўчайтирилган чоралар-ни ишлаб чиқишди.

КИШИЛАР ҲАҚИДАН ҲАЗАР ҚИЛМАЙ...

Афсуски, почта амалиётларини олиб боришда ҳамон пул маблағларини ўзлашти-риш ва ўғирлаш ҳолла-рига тўла-тўқис барҳам берилмаган, шу боис бундай жиноятларга қарши кураш олиб бо-риш юзасидан кўшим-ча чора-тадбирларни қўллашга мажбур бўляпмиз, - дейди Агентлик бош директо-рининг биринчи ўрин-босари Махсум Маҳму-дов. — Бундай суис-теъмоликларнинг ол-дини олиш юзасидан мунтазам иш олиб бо-ряпмиз ва прокуратура идоралари, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли бу борада кат-та ижобий тажриба йўл тўпланди. Гап давлат-нинг мўмайгина маб-лағлари хусусида кет-моқда. Чунки ҳар йили почта бўлими орқа-ли 250 миллиард сўмдан зиёд ҳажмдаги пул амалиётлари ўтқа-зилади. Бундан 90 фо-из пенсия ва нафақа-лар сифатида нақд тўланади.

2000-2001 йилларда «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компани-яси ва Почта алоқаси акциядорлик жамияти мингдан ортқ ички тек-ширувлар ўтказди ҳамда почта алоқаси бўлимла-ри фаолияти ўрганиб чи-қилди. Компания бўлим-лари ва филиалларида етмишдан зиёд батаф-сил текширувлар ўтқа-зилди. Бу текширувлар аниқланган қонунбу-зарлик ҳоллари синчков-лик билан ўрганилиб, айбдорлар жавобгарлик-ка тортиляпти. Ўтган муддат мобайнида 26 нафар алоқа ходими иш-дан бўшатилди, 31 на-фар айбдорга ҳайфсан берилди, 11 кишига энг кам иш ҳақининг 20 фо-изи миқдорида жарима солинди.

Бу хилдаги жазолар кичик нуқсонларга, бе-парволикка йўл қўйган ходимларга нисбатан қўлланилади. Бу борада жиддий нуқсонларга йўл қўйган айрим ходимлар-га эса қонун олдида жа-воб беришга тўғри ке-лади. Хўжалик фаолият-ида йўл қўйган нуқсон-лари учун вилоят почта алоқаси корхоналари-нинг уч раҳбари ўз ва-зифасидан озод этилди. С. Маҳмудовнинг сўзларига қараганда, жорий йилда содир этилган 12 та қонунбу-зарликнинг 11 таси кор-хоналарнинг ўзи томони-дан очилди. Буларнинг барчасида деярли бир


турдаги қаллобликка қўл урилган. Хусусан, булар - имзоларни сохташлатириш, сохта топшириқномалар тай-ёрлаш, пенсия топши-

риқномасидаги пул миқдорини ўзгартириш-дан иборат. Почта хо-димлари томонидан ўзлаштирилган маблағ-лар корхоналар маб-лағлари ҳисобидан пенсионерларга тўла-тўқис тўланди. Келгу-сида мазкур маблағлар қонидани бузиб, ишдан бўшатилган ходимлар ҳисобидан қопланади. Тадбирларнинг янги дастурига мувофиқ қадрлари, хусусан, почта алоқаси корхо-наси йўриқлари, бо-ши ҳисобчилари ва раҳбарларини тўғри ва жой-жойига қўйиш ма-саласи алоҳида назо-ратга олинди. Пенсия ва нафақалар тўловла-ри аҳоли тўғрисида Молия вазирлиги, республика Солиқ қўмитасига, «Нуроний» жамғармасига ҳар ўн кунда ахборот бериб турилмоқда. Акциядор-лик жамиятларининг қузатув кенгашари, қолаверса, республи-кадаги мавжуд 3300 та алоқа бўлимларида айти кунларда ўтқазил-лаётган аттестация ахён-ахёнда бўлса-да учраб турадиган бун-дай нафси бузуқ ким-саларга ўз баҳосини беради.

«Туркистон-пресс».

БОШҚОТИРМА

- ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 1. Саноат корхонаси. 2. Чорвачилик маҳсулоти, мўйна. 3. Дехқон ихтиёридаги ер майдони. 4. Коинотдаги рангоранг манзара. 5. Ёввойи кўл қуши. 6. Икки торли, чертиб чалинадиган мусиқа асоби. 7. Кўк гулли ёввойи дала ўти. 8. «Алпомиш» қаҳрамони. 9. Фарбий Европадаги энг баланд чўкки. 10. Гўшти мазали, овладидиган йирик парранда. 11. Тирик организмнинг энг содда, кичик қисми. 12. Италия худудидаги орол. 13. Эшикнинг юқорисидаги тоқча қисми. 14. Нефт маҳсулоти. 15. Сабзавот экини. 16. Таркибида кремний кислотасининг тузлари бўлган маъдан, саноат ашёси. 17. Мамлакатимиз жанубидаги туман. 18. Ҳарбий машқлар ўтказиладиган махсус майдон. 19. Романчилигимиз асосчиси. 20. Даволовчи мутахассис. 21. Қовун сайлида ўтказиладиган мусобақа. 22. АҚШ шимолидаги штат. 23. Топшириқ ёки режанинг бажарилганлиги тўғрисида юқори ташкилотга бериладиган ёзма ахборот. 24. Ватанимиз жанубидаги тоғ. 25. Сувсевар экин етиштирадиган дехқон. 26. Биринчи ўзбек кинооператори. 27. Пойтахт вилоятидаги металлургия шахри. 28. Санъат намояндаси, халқ артисти. 29. Драматик асар қисми. 30. Газ модда. 31. Ўзбек футбол юлдузи. 32. «Икки эшик ораси» романи муаллифи. 33. Транспорт воситаси билан ўйналадиган спорт тури. 34. Таёқ билан ўйналадиган спорт. 35. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Авлодлар довоми» романи муаллифи. 36. Ватанимизда етиштириладиган бугдой нави. 37. Буг двигателли темир йўл техникаси. 38. Роҳат.



Газетамизнинг 150-сонидagi КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Диагональ бўйича: 1.Калий. 2.Самарқанд. 3.Генератор. 4.Десна. 5.Ракета. 6.Ул-фербалт. 7.Индикатор. 8.Резина. 9.Ёқубов. 10.Заранг. 11.Анвар. 12.Қаҳва. 13.«Лаз-гис». 14.«Бозор». 15.Хужайра. 16.Зирavor. 17.«Донишнома». 18.Доира. 19.Зарра. 20.Уламо. 21.Балиқ. 22.Таксометр. 23.Ирригация. 24.Дайриш. 25.Ласкер. 26.Ми-нералог. 27.Ренуар. 28.Мемуар. 29.Ёмғир. 30.«Ўтзор».

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1.Меҳнат. 2.Шарқ. 3.Чангак. 4.Сифат. 5.Улуғ. 6.Ханжар. 7.Сув.

ХИҚМАТ. Халққа лутфни кам қилмағил, Хеч кишига жабру ситам қилмағил.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.30

Махсуслаш: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсатиши: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Мабуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида теришти ва сақлаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.